

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АДХАМОВА НЕГИНА ПЎЛАТОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯНИНГ
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ПАРАЛЛЕЛЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 616.454:577.1.175.328-008.61-036:575.1:628.1-056.7

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Адхамова Негина Пулатовна

Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг

клиник-генетик параллеллари 3

Адхамова Негина Пулатовна

Клинико-генетические параллели гиперпролактинемии

у женщин фертильного возраста 25

Adkhamova Negin Pulatovna

Clinical and genetic parallels of hyperprolactinemia

in women of fertile age 47

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АДХАМОВА НЕГИНА ПЎЛАТОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРДА ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯНИНГ
КЛИНИК-ГЕНЕТИК ПАРАЛЛЕЛЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нажмутдинова Дилором Камардиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Халимова Замира Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори

Ешимбетова Гулсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**С.Б.Дониёров номидаги Қирғизистон Республикаси
Давлат врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина давлатларида бепуштлиқ оқибатида фарзанд кўра олмаётган оилалар сони кун сайин ортиб бормоқда. Қатор олимларни изланишларида бепуштлиқ «...15-17% ни ташкил этиб, хасталикнинг асосий сабаби яллиғланиш ва эндокрин тизими касалликлари ҳисобига юзага келади. Шулар жумласидан бўлган гиперпролактинемия хасталиги 40-43% ни ташкил этиши...»¹ қайд этилган. Гиперпролактинемия аёллар ва эркаларнинг репродуктив вазифалари бузилишидаги асосий нейроэндокрин сабабдир. Бепушт аёлларнинг деярли 70% да гиперпролактинемия хасталиги аниқланган. Ташхис қўйилишдаги хатоликлар, ноадекват даволаниш ва тартибсиз дори воситаларини истеъмол қилиш каби ҳолатлар беморлар орасида учраб турибди. Бугунги кунда олимлар томонидан «...бир қатор хасталикларни ташхислаш ва даволашнинг долзарб услубларини танлашда генетик изланишлар олиб борилмоқда. Хасталик сабабини молекуляр даражада таҳлил қилиш ва унда ноаниқ белгилар бўлган ҳолда ҳам тўғри хулоса чиқариш имконини бериши...»² қайд қилинмоқда. Гиперпролактинемия клиник ҳолат бўлиб, аёл организмида пролактин (ПРЛ) моддасининг кўпайиб кетиши ва нейроэндокрин аъзолари фаолиятининг бузилиши, ҳайз кўриш, гипоталамо-гипофизар аъзо касалликлари ривожланиши ва бепуштлиқка олиб келади. Ушбу ҳолатини олдини олиш ва касалликни тўғри ташхислаш бугунги кунда эндокринолог ва гинекологларнинг олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллелларни баҳолашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада гиперпролактинемия ҳолати асосланган фертил ёшидаги аёлларнинг клиник-анамнестик, гормонал ва инструментал маълумотларини таҳлил қилиш, функционал ва органик генезли гиперпролактинемияси мавжуд аёлларида DRD2-рецепторининг ген полиморфизмини баҳолаш, гиперпролактинемия ҳолати мавжуд фертил ёшидаги аёлларнинг генетик ва клиник-лаборатор корреляцион алоқасини баҳолаш, гиперпролактинемия генези ва генетик полиморфизмга боғлиқ ҳолда ташхислаш алгоритми ва прогностик кўрсаткичлар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жадал ривожлантириш, тиббий хизматни замонавий моддий техник базасини юқори технологик усуллар билан бойитиш таъминлаш билан биргаликда, фертил ёшидаги аёллар орасида сурункали касалликларни тўғри ташхислаш ва даволаш тизимини жорий қилинмоқда. Бу борада «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий

¹ Иловайская И.А. Современные представления о диагностике и лечении синдрома гиперпролактинемии // Бюллетень ВСНЦ СО РАМН, 2012. - №3 (85). - С. 127-135.

² Crosignani P.G. Current treatment issues in female hyperprolactinaemia. Review // European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology 2005 - P 13.

ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш»¹ каби муҳим вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллелларни ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини батамом янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизматни амалга оширишни янада такомиллаштириш фертил ёшидаги аёллар орасида бепуштликни камайтириш ҳамда аёлларни она бўлиш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда бутун дунёда бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам гиперпролактинемияни ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Пролактин гипофизнинг олд қисмида мавжуд бўлган ноёб гормон бўлгани сабабли, турфа хил биологик таъсир этиш хусусиятига эга. Бу унинг молекуляр полиморфизмига боғлиқ (Е.М Вихляева, 2006, Притчард Дориан Дж., 2009). У Дофамин (Д)нинг ингибицион таъсири остида ишлаб чиқилиб, гипоталамусдан ташкил топган аденогипофизга гипоталамо-гипофизар портал тизими орқали келиб тушади. Д ёки унинг сигналини гипофизнинг олд қисмига ўтишда тўсқинлик қилувчи ҳар қандай сабаб гиперпролактинемияни келтириб чиқаради. Лактотрофларда генетик усул орқали ўзгартирилган дофамин рецептори Д сигналининг ўтишини пасайтиради, гиперпролактинемияга олиб келади, гарчи, ушбу жараён ўтказиб юборилса, аденоматознинг кучайиб кетишига сабаб бўлади.

Дофамин рецепторларининг остки D1 ва D2 турлари мавжуд бўлиб, улар аденилатциклаза фаолиятига ўз турига мос равишда таъсир ўтказиши билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ажралиб туради. Аденогипофизда DRD2 рецепторлари кўпроқ учрайди. Уларнинг хужайралар орасидан гипофиз хужайрасининг ичига кириб бориши хужайра ичидаги циклик аденозинмонофосфатнинг камайишига ва натижада ППЛ секрециясининг ингибициясига сабаб бўлади. DRD2 гени 11 хромосомада жойлашган. Мазкур геннинг 2 хил шакли (изоформаси) мавжуд. Ана шу изоформалар тақсимоти ўзгарса, сигнал ташуви ҳам ўзгариб, ППЛ даражаси ортади. DRD2 генида бир қатор полиморфизмлар топилган. (Кейт А. Хансен, 2005).

Шундай қилиб, қатор генетик текширувлар турли неврологик ва психик ўзгаришларда, яъни оғир алкоголизм, шизофрения, мигрен, посттравматик стрессдан кейинги ва аддиктив ўзгаришлар DRD2 генидаги SNP аҳамиятини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, Hansen ва бошқа авторлар (АҚШ, 2005), DRD2 (DRD2 rs6275) гени C3420T полиморфизмнинг гомозигот генотипи гиперпролактинемиянинг генетик хавф омили эканлигини кўрсатиб беришди. Шунингдек, Bilibio ва ҳамкасабалари (2012) Бразилия аҳолисини бепушт аёлларида DRD2 (DRD2 rs6277) гени C3438T полиморфизми ва эндометриоз орасида боғлиқлик борлигини тасдиқлашди. Шу билан бир қаторда муаллифлар бу полиморфизм рецепторлардан кейин сигнал ўтказишда нуқсонларини юзага келтириб, қонда пролактин миқдорини ошишига олиб келади. Аммо, бу текширувлар ўрганилаётган ген полиморфизми ва эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик орасида боғлиқлик борлигини тасдиқламади. DRD2 полиморфизми фарқи эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик ривожланишига таъсири ирсий гетерогенлик ва кўп бўлмаган текширувчилар ёки атроф муҳит омиллари таъсири билан тушунтирилади. Шу вақтга қадар, DRD2 генетик вариантларини пролактин секрециясига турлича таъсир кўрсатадиган антипсихотик дори воситаларини фармакокинетика ва фармакодинамикасида таъсири кўрсатиб берилган. Шунингдек, Muzaffer Ilhan (2015) бошчилигида турк олимлари гиперпролактинемияли аёллар ва соғлом аёлларда DRD2 ген полиморфизми турли генотипларини аҳамияти борлигини исботлашмади.

Ўзбекистонда пролактинома ва гипофизнинг нофаол аденомалари бор аёлларда учрайдиган турли шаклдаги эндокрин бепуштликнинг тузилиши Х.К. Носирова (2011) томонидан қайд этилган.

Юқорида кўрсатилган омилларни ҳисобидан, гиперпролактинемия сабабли бепуштлик ҳолати кўпайганлиги (Халимова З.Ю., 2010), бизда қуйидаги муаммони ечимини топишга гиперпролактинемиянинг клиник-генетик хусусиятларини ўрганиб, ташхислаш ва башоратлаш стратегиясини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ «Касалликлар профилактикаси, дифференциал терапия усуллари ҳамда даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, генетик

полиморфизм таъсири асосидаги атроф-муҳит омилларининг нохуш таъсири бошқа детерминантлари» (2010-2016 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фертил ёшдаги аёлларда гиперпролактинемияни клиник ва генетик полиморфизмлар асосида ташхислаш ва башоратлаш параметрларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гиперпролактинемия ҳолати аниқланган фертил ёшдаги аёлларнинг клиник-анамнестик, гормонал ва инструментал маълумотларини таҳлил қилиш; функционал ва органик генезли гиперпролактинемияси мавжуд ўзбек миллатига хос аёлларида DRD2-рецепторининг ген полиморфизмини тадқиқ этиш;

генетик ва клиник-лаборатор корреляцион алоқани баҳолаш;

гиперпролактинемия генези ва генетик полиморфизмга боғлиқ ҳолда диагностика алгоритми ва прогностик кўрсаткичлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 3 клиникасида рўйхатдан ўтган органик ва функционал генезли гиперпролактинемия ҳолатидаги текширувдан ўтган турли репродуктив бузилишлар кузатилган 209 нафар аёл олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби гормонал, биокимёвий ва тиббий-генетик тадқиқотлар материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, биокимёвий, генетик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги аёлларда қалқонсимон беши дисфункциясининг органик ва функционал гиперпролактинемияга ўзаро боғлиқлик параметрлари асосланган;

илк бор гиперпролактинемияли ўзбек миллатига мансуб аёллардаги DRD2-рецептор генининг касалликка мойил полиморфизми асосланган;

ўзбек миллатига хос аёллар ирсиятида гетерозигота турдаги DRD2 генининг C3420T и C3438T полиморфизми исботланган;

аёлларда DRD2 генининг C3420T (rs 6275) полиморфизмидаги мутантли TT-генотипнинг ташувчилиги гиперпролактинемия ривожланишига прогностик омил, бу генотип функционал гиперпролактинемияли аёллардаги аутоиммун тиреоидит, гипотиреоз, иккиламчи бепуштлик ва аменорея касалликлар билан боғлиқлиги исботланган;

фертил ёшдаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник ва генетик параметрларини ташхислашнинг башоратлаш параметрлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги аёлларда қалқонсимон беши дисфункцияси натижасида гиперпролактинемияга олиб келишининг биокимёвий белгилари баҳоланган;

фертил ёшдаги аёлларда гиперпролактинемиянинг генетик полиморф кўрсаткичлари тавсия қилинган;

бирламчи бўғин шифокорлари ва тор доирадаги эндокринолог ва гинеколог мутахассислар учун гиперпролактинемия билан оғриган аёлларга ташхис қўйиш услублари тавсия этилган;

гиперпролактинемия шаклланишининг прогностик кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, замонавий усулларнинг қўлланганлиги, клиник, биокимёвий, генетик, инструментал ва статистик усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллелларини патогенетик механизмларга тавсифи сезиларли даражада кенгайтирилганлиги, беморларда клиник ва генетик ўзгаришлар орасидаги алоқа аниқланганлиги, касаллик ривожланишидаги хавф омиллари, шунингдек, касалликни коррекциялаш усуллари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касалликда юзага келадиган ўзгаришларни коррекциялашда терапевтик ёндашувнинг асосланганлиги ва ташхислашнинг такомиллаштирилганлиги фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемия олдини олиш аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллелларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемияни даволашга замонавий ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 8н-з/48-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аёлларда гиперпролактинемияни натижасида юзага келадиган бепуштлиқни олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллеллари баҳолаш натижасида самарасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 1-2-3 клиникалари, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, Республика ихтисослаштирилган акушерлик-гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 8н-з/48-сон маълумотномаси). Олинган натижаларини амалиётга жорий этилиши назорат остига олинган юқори миқдордаги пролактинли аёлларнинг 39% да органик гиперпролактинемия, 61% да функционал гиперпролактинемия, уларнинг 54,6% да олигоменорея,

олигоопсоменорея ва опсоменорея туридаги хайз цикли бузилиши кузатилиши, шунингдек, бепуштлиқ учраши асосланган. Гиперпролактинемия ҳосил бўлишини башоратлашда С3420Т полиморфизмдаги ТТ-генотипли аёлларда пролактин микдорининг ўртача ошиши 42,2 нг/мл ни, С3420Т полиморфизмдаги мутантлашган ТТ-генотип функционал гиперпролактинемияли аёллардаги гипотиреоз, АИТ, иккиламчи бепуштлиқ ва аменорея касалликлари билан чамбарчас боғлиқлигини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллеллари баҳолаш**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлили ўтказилган. Мазкур патологиянинг тиббийғижтимоий жиҳатлира ҳақидаги маълумотлар баён этилган, гиперпролактинемиянинг айрим патогенетик хусусиятлари ёритилган. Алоҳида эътибор гиперпролактинемия бўлган аёлларда репродуктив тизимини бузилишларининг клиник-генетик жиҳатлари ва уларни ўрганишига қаратилган. Тадқиқот натижалари ва ўрганилган муаммога бағишланган кўп марказли тадқиқотлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник-генетик параллелларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларини ақс эттиради. Тадқиқотлар 2010 йилдан 2016 йилгача бўлган даврида Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси


Эндокринология бўлимида ва маслаҳат поликлиникаси базасида ҳамда шаҳар ташхислаш марказида олиб борилди.

Илмий иш асосига репродуктив тизими томонидан турли хил бузилишлари бўлгани сабабли маслаҳат марказига мурожаат қилган 209 нафар аёлнинг клиник-лаборатор, эндокринологик ва генетик кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўйилган.

Тадқиқот дизайни-обсервацион кросс-секцион тадқиқотлар.

Кузатув гуруҳларига тақсимлаш: Тадқиқот жараёнида 2 гуруҳ ташкил этилди (1-расм): асосий гуруҳни гиперпролактинемияли 182 нафар аёл ташкил этди ва назорат гуруҳини пролактин даражаси меъёрда бўлган 27 нафар шартли соғлом аёллар ташкил қилди.

Ўз навбатида асосий гуруҳ гипофизнинг органик шикастланиши фонидаги гиперпролактинемияли (гипофизнинг микро- ва макроаденомалари, турк эгарининг тор, бўш бўлиши, гипофизнинг гипоплазияси) ва функционал генезли гиперпролактинемияли беморлар гуруҳига бўлинди.



1-расм.Асосий кузатув гуруҳдаги тақсимланиш

Гиперпролактинемия фонидаги ўрганилаётган патологияларга боғлиқ холда кичик гуруҳлар тақсимоти куйидагича бўлди (2-расм).

Тадқиқотга киритилган барча аёллар репродуктив ёшида эди. Аёлларнинг ёш градацияси 14 дан 49 гача ўзгарди, ўртача ёши эса $28,5 \pm 0,5$ ни ташкил этди.

Тадқиқот олиб боришда 2 гуруҳ яратилди: асосий гуруҳни гиперпролактинемияли 182 нафар аёл ташкил этди (ўртача ёши $-28,4 \pm 0,6$ ёш) ва назорат гуруҳини пролактин даражаси меъёрда бўлган 27 нафар шартли соғлом аёллар ташкил этди (ўртача ёши $28,9 \pm 0,4$). Шаҳар аҳолисидаги аёллар улуши 77,4%ни ташкил этди, қишлоқ аҳолиси 22,6% ни ташкил этди. Тана вазнининг ўртача индекси $22,6 \text{ кг/м}^2$ ни ташкил қилди.



2-расм. Гиперпролактинемия фонида ўрганилаётган кичик гуруҳлар тақсимланиши

Тадқиқотга амалга ошириш мезонлари: фертил ёшдаги аёллар (18-49 ёш); тадқиқот давомидаёки анамнезда қонда пролактин баландлиги; ўзбек миллати.

Қуйидагилар киритилмади: фертил ёш мезонларга жавоб бермайдиган ёш (18 ёшдан кичкина ва 49 дан юқори); тадқиқот вақтида қондаги пролактин даражасига таъсир этувчи дори ёки бошқа воситаларни қабул қилиш; қонда пролактин даражасини ортишини юзага келтирувчи бошқа сабабларни бартараф этиш; йўлдош онкопатологияси, оғир соматик касалликлари бўлган аёллар; миллати ўзбек бўлмаган ёки аралаш ўзбек миллатига хос аёллар.

Беморнинг ўзбек миллатига хослиги унинг оила аъзоларининг охириги учта авлодини мазкур миллатга мансублигини анамнестик усул билан, бемор билан суҳбатлашиш йўли билан исботловчи маълумотлар асосида аниқланди.

Тадқиқотлар Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти қошидаги Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологияси лабораториясида ўтказилди. Беморларнинг қон намуналарини йиғиш Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-ташхис маркази Давлат унитар корхонаси ҳудудида ўтказилди. 3 мл микдордаги веноз қон 5 мл вакутаинер (ЕДТА) сифатида қабул қилинди ва -20°C да сақланди.

Тадқиқотлар 2012-2016 йилларда гиперпролактинемияли туғиш ёшидаги аёлларнинг танлаб олиш асосида ўтказилди. Аниқ беморларни танлаб олишда уларнинг этник келиб чиқиши, жинси, ёши ҳисобга олинди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium – IV персонал компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишлаш функцияларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Диссертация «**Фертил ёшидаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник белгиларни баҳолаш**» деб номланган учинчи бобиуч кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, унда кетма кетликда гормонал тадқиқотлар натижалари, репродуктив соҳадаги бузилишларни қайд қилиш сонининг таҳлили, қалқонсимон, сут безлари, шунингдек бачадон ва унинг ўсимталари томонидан ультратовушли ўзгаришлар келтирилган. Функционал гиперпролактинемияли ва гипофиз микроаденомаси бўлган беморлардаги гормонал бузилишлар ўрганилган.

Бизлар томонимиздан аниқландики, гиперпролактинемияли аёлларда пролактиннинг ўртача даражаси етарли миқдорда юқоридир - $28,2 \pm 1,74$ нг/мл, бу меъёрдаги белгилардан 2,7 марта юқоридир ($p < 0,001$).

Турли генезли гиперпролактинемияли мазкур кўрсаткич таҳлил қилинганда аниқландики, гипофизнинг органик патологияси бўлган аёллар гуруҳида пролактиннинг ўртача даражаси жуда ҳам юқори - $30,4 \pm 2,09$ нг/млни ташкил этди, бу гиперпролактинемия патогезининг бирламчи тавсифи билан тушунтирилади. Шунингдек корелляцион таҳлил гиперпролактинемиянинг органик генези ва пролактин даражаси ўртасидаги кучсиз ижобий алоқани аниқлади ($\chi^2 = 0.207$, $p < 0.001$). Бироқ, бизнинг олиб борган тадқиқотларимизда гипофизнинг органик патологияси асосий соматик патология белгиларидан бири бўлиб ҳисобланган функционал гиперпролактинемияга нисбатан унча кўп учрамайди.

Қалқонсимон безнинг тузилмавий ўзгаришлари турига боғлиқ ҳолда аёллардаги пролактиннинг ўртача даражасининг таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, пролактиннинг энг юқори даражаси ($30,2 \pm 4,57$ нг/мл) тиреоидитнинг аутоиммун белгилари бўлган аёлларда аниқланди.


Сут безларида тузилмавий ўзгаришлар типидан қондаги пролактин даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаришлар қуйидаги қонуниятлар аниқланди:

текширилган аёлларнинг умумий сонидан пролактиннинг энг юқори даражаси (30 нг / мл дан юқори) сут безларининг тузилмавий патологиялари бўлган аёлларда қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сут безларининг фиброаденомасида қон зардобидида пролактиннинг максимал концентрацияси аниқланди ($41,2 \pm 6,82$ нг/мл).

Бундан келиб чиқадики, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги пролактин даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,7 марта юқори ($p < 0,001$) бўлади.

Пролактиннинг энг юқори даражаси аутоиммун тиреоидит белгилари бўлган аёлларда аниқланди, бу эса қондаги пролактин даражасини қалқонсимон без тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларига аҳамиятли фаол таъсирдан гувоҳлик беради.



Изох: * - назорат ва асосий гуруҳлар маълумотлари буйича фарқлар муҳимдир (** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$)

3-расм. Фертил ёшдаги аёлларда ўртача пролактин даражаси (нг/мл)

Сут безлари фиброаденомасида қон зардобиди пролактиннинг энг юқори концентрацияси аниқланди ($41,2 \pm 6,82$ нг/мл). Бу бепуштликни ривожланишида асосий ҳавф гуруҳларидан бири бўлиб сут безлари фиброаденомаси мавжуд бўлган аёлларни ҳисоблашга имкон беради. Шунингдек пролактиннинг энг юқори даражаси гипоменструал синдромли аёлларда қайд этилди ($30,4 \pm 2,34$ нг/мл). Бепуштликнинг ривожланиши учун асосий ҳавф гуруҳларидан бири сифатида кўкрак фиброаденомлари мавжудлигини аёлларга қарашга имкон беради. Бундан ташқари, юқори даражада пролактин ($30,4 \pm 2,34$ нг/мл) гипоменструал синдромли аёлларда кузатилди.

Диссертациянинг «Репродуктив ёшидаги гиперпролактинемияли аёлларнинг генетик кўрсаткичларининг таснифи» деб номланган тўртинчи бобида бепуштликнинг оқибати ва менструал циклнинг турли бузилишлари каби репродуктив соҳадаги бузилишларни қайд қилиш сони таҳлили бажарилган. Шунингдек, гиперпролактинемияли аёлларда қалқонсимон без томонидан юзага келадиган бузилишларнинг таҳлили келтирилган. Репродуктив касалликларни учраши, ҳайз даврининг турли хил касалликлари ва бепуштлик туфайли текширилиш натижалари ёритилган. Гиперпролактинемия бўлган аёлларда тиреоид касалликлари таҳлили ҳам амалга оширилди.

| Гормон | Пролактиннинг меъерий даражаси (n=27) | Гиперпролактинемия (n=182) | P |
|--------------------|---|-------------------------------|-------|
| Эстрадиол, нг/мл | 108,4 | 95,6±12,65 | >0,05 |
| Прогестерон, нг/мл | 1,7±0,03 | 2,2±1,21 | >0,05 |
| Тестостерон, нг/мл | 0,27±0,101 | 0,73±0,182 | >0,05 |
| Кортизол, нмоль/л | 139,5±2,6 | 165,3±10,27 | <0,05 |
| ЛГ, мМЕ/л | 5,1±1,13 | 9,6±1,15 | >0,05 |
| ФСГ, мМЕ/л | 3,9±0,9 | 8,8±1,57 | <0,05 |
| ДЭАС, мкмоль/л | 2,1±0,26 | 2,5±0,23 | >0,05 |

Шу маълумот диққатни ўзига жалб этадики (№2 жадвал) гиперпролактинемия ФСГ даражасини ортиши билан ассоцияланади ($p \leq 0,05$). Бироқ корреляцион таҳлилда кучсиз салбий алоқа аниқланди ($R = -0,189$, $p \leq 0,05$). Микроаденомали ва қон зардобиди ўртача намоён бўлган пролактинли беморларда, пролактинни юқори даражада бўлиши билан ФСГ гонадотропинларининг янада юқори аҳамияти кузатилди, бу озод бўлувчи гормон (ГнРГ)-гипоталамик гонадотропин пульсативлигини аста секин пасайиши билан мос келади. (Interpretation of Serum Gonadotropin Levels Hyperprolactinaemia).

Гиперпролактинемияли аёллар қонида кортизол даражасининг ортиши қайд этилади ($P \leq 0,05$). Бундаги корреляцион алоқа ўртача кучдаги ижобий алоқани аниқлади ($R = 0,582$, $p \leq 0,001$). Шунингдек, гиперпролактинемияли аёлларда ЛГ даражасининг ортиши ($P \geq 0,05$) ва прогестерон даражасининг пасайишига хос бўлган тенденция кузатилади. Бироқ ЛГга нисбатанкорреляцион таҳлил ўртача кучдаги салбий алоқани аниқлади ($R = -0,342$, $p \leq 0,001$).

Турли табиатли бўлган гиперпролактинемияли аёлларда мазкур кўрсаткичларни қийслашда аниқландики, гипофизнинг органик шикастланиши бўлган беморлар гуруҳида кўпроқ прогестерон даражаси пасайган ($P \geq 0,05$), функционал гиперпролактинемияли беморлар гуруҳида эса кўпроқ ЛГ даражаси ошган ($P \geq 0,05$).

Функционал гиперпролактинемияли аёлларда ТТГ даражаси $3,3 \pm 0,38$ нг/мл ни ташкил этди, бу қалқонсимон без функциясини пасайиш фониди гиперпролактинемияни ривожланиш ҳавфи ошганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди. Бунда ТТГнинг ўртача кўрсаткичлари меъерий кўрсаткичлардан ошмади. Юқорида қайд этилганидек, бизлар танлаб олган 4 пасайган ва ТТГ юқори бўлган гипотериозли аёллар 6,2%ни ташкил этди. ТТГ даражаси юқори бўлган, Т4 меъёр даражасида бўлган субклиник гипотериозли аёллар улуши 42,8%ни ташкил этди. Шундай қилиб,

ТТГ даражаси юқори бўлган аёлларнинг йиғинди улуши 50%дан ошмади, бу ТТГнинг олинган ўртача кўрсаткичларини меъёрий белгиларга яқинлашганлиги билан тушунтирилиши мумкин.

Функционал гиперпролактинемияли аёллар гуруҳида бирламчи бепуштлик ишончли равишда тез тез қайд этилади ($\chi^2 = 16,27$, $p < 0.001$). Шунингдек иккиламчи бепуштлик ҳам функционал гиперпролактинемияли аёлларда тез тез қайд этилди ($P \geq 0,05$), бу балки, репродуктив функцияга бошқа омиллар (пролактин даражасидан бошқа) таъсири билан тушунтирилади. Шу билан бирга, орреляцион таҳлилда иккиламчи бепуштликни ривожланиши ва гипофизнинг органик патологияси ўртасида кучсиз ижобий алоқа аниқланди ($R = -0,153$, $p \leq 0,01$). Таҳлиллар кўрсатдики, ҳар икки кичик гуруҳлардаги гиперпролактинемияли аёлларда кўпроқ гипоменструал синдром учради ва бу ўз навбатида гипофизнинг органик шикастланиши билан оғриган беморлар кичик гуруҳига нисбатан функционал гиперпролактинемияли аёллар гуруҳида кўпроқ кузатилди.

Бизлар томонимиздан олинган натижалар шундан гувоҳлик берадики, қалқонсимон безнинг янада оғир тузилмавий шикастланишлари (турли даражадаги бўқоқ, АИТ) функционал гиперпролактинемия қайд этилган клиник вазиятлар учун янада кўпроқ хос бўлди, бироқ кўпчилик ҳолатларда статистик фарқлар ишончсиз бўлди ($P \geq 0,05$), буни танлаб олиш ўлчамлари билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, бизлар томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар фертил ёшидаги аёлларда бепуштликни шаклланиш частотасига аёллардаги гиперпролактинемия ҳолати шубҳасиз ўз таъсирини кўрсатишини кўргазмали равишда намоиш этди. Бу бизнинг минтақамизнинг иқлимий-географик ва экологик ўзига хосликлари, аҳоли ўртасида қалқонсимон безнинг органик ва функционал шикастланишининг юқори нисбий даражаси билан тушунтирилиши мумкин, бу эса ўз навбатида гиперпролактинемияни шаклланишига олиб келади.

Шундай қилиб, юқоридагиларнинг умумлаштирилиши шуни кўрсатадики, гиперпролактинемия, бачадон патологияси, тухумдон ва сут безлари кўпинча ултратовуш текшируви билан аниқланган. Беморларнинг ушбу гуруҳидаги касалликнинг энг хос характеристикаси сурункали аднексит ва фиброз-кистоз мастопатия эди.

Диссертациянинг «**Гиперпролактинемияли фертил ёшидаги аёлларни ультратовушли текшириш маълумотларининг таҳлили**» деб номланган кичик гуруҳида мазкур гуруҳ беморларини текшириш натижалари келтирилган. Қалқонсимон, сут безлари, шунингдек бачадон ва унинг ўсимталари томонидан юзага келадиган ультратовушли ўзгаришлар ўрганилди. Келиб чиқиши бўйича ҳам функционал, ҳам органик гиперпролактинемияли аёлларда тез-тез қайд этиладиган патология бўлиб сурункали аднексит ҳисобланди (мос ҳолда 46,5% ва 53,5%). Шунингдек, гиперпролактинемияли аёлларда пролактин даражаси меъёрда бўлган аёллардан фарқли равишда эндометриоз, бачадон миомаси ва

генитал инфантилизм каби бузилишлар қайд этилди. Тухумдонларнинг кистозли ўзгаришлари назорат гуруҳида якка ҳолда қайд этилди ва гиперпролактинемияли аёлларда 11%дан ошмади. Таҳлиллар кўрсатдики, гиперпролактинемияли аёллар гуруҳида қондаги пролактин даражасини ортишига олиб келувчи энг кўп сабаблардан бири бўлган фиброз-кистозли мастопатия амалий жиҳатдан 2 марта кўп қайд этилди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилганларни хулосалаб шундай хулоса қилиш мумкинки, гиперпролактинемияли аёлларда ультратовушли текшириш маълумотларига кўра бачадон, бачадон ўсимталари ва сут бези томонидан энг энг кўп патологиялар аниқланди. Мазкур беморлар контингенти учун хос бўлган энг кўп учровчи патология бўлиб сурункали аднексит ва фиброз-кистозли мастопатия ҳисобланади.

Диссертациянинг «Гиперпролактинемияли репродуктив ёшидаги аёлларда енетик кўрсаткичлар тавсифи» деб номланган тўртинчи боби 4 кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, унда DRD2 генининг икки полиморфизм генотипларининг авлоддан авлодга ўтиш тавсифи таҳлил қилинган.

3-жадвал

Алел ва генотипларни DRD2 генининг C3420T полиморфизми билан тақсимлаш

| Алел ва генотиплар | Ҳодиса | Назорат | Жами |
|--------------------|--------|---------|------|
| Алел С | 120 | 98 | |
| Алел Т | 76 | 36 | |
| Генотип СС | 31 | 34 | 65 |
| Генотип СТ | 58 | 30 | 88 |
| Генотип ТТ | 9 | 3 | 12 |
| Жами | 98 | 67 | |

4-жадвал

Алел ва генотипларни DRD2 генининг C3438T полиморфизми билан тақсимлаш

| Алел ва генотиплар | Ҳодиса | Назорат | Жами |
|--------------------|--------|---------|------|
| Алел С | 139 | 95 | |
| Алел Т | 57 | 39 | |
| Генотип СС | 45 | 31 | 76 |
| Генотип СТ | 49 | 33 | 82 |
| Генотип ТТ | 4 | 3 | 7 |
| Жами | 98 | 67 | |

Бизлар томонимиздан ўрганилган полиморфизм бўйича у ёки бу генотипнинг ташувчанлигини янада чуқур ўрганиш учун бизлар томонимиздан ирсиятнинг қуйидаги моделлари тузилди.

С3420Т полиморфизм учун моделлари ва Харди-Вайнберг тести ирсиятнинг мултипликатив модели (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Аллеллар | Асосий гуруҳ | Назорат гуруҳ | X ² | P | OP | |
|----------|--------------|---------------|----------------|------|-------|-----------|
| | н=98 | н=67 | | | знач. | 95% СИ |
| Аллел С | 0,612 | 0,731 | 5,04 | 0,02 | 0,58 | 0,36-0,94 |
| Аллел Т | 0,388 | 0,269 | | | 1,72 | 1,07-2,78 |

Ирсиятнинг умумий модели (тест хи-квадрат, ИИ = 2)

| Генотиплар | Асосий гуруҳ | Назорат гуруҳ | X ² | P | OP | |
|------------|--------------|---------------|----------------|------|-------|-----------|
| | н=98 | н=67 | | | знач. | 95% СИ |
| Генотип СС | 0,316 | 0,507 | 6,21 | 0,01 | 0,45 | 0,24-0,85 |
| Генотип СТ | 0,592 | 0,448 | | | 1,79 | 0,95-3,35 |
| Генотип ТТ | 0,092 | 0,045 | | | 2,16 | 0,56-8,28 |

Назорат гуруҳ учун Харди-Вайнберг тести (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Генотиплар | Назорат гуруҳи | XWE | X ² | P |
|------------|----------------|-------|----------------|------|
| | н=67 | | | |
| Генотип СС | 0,507 | 0,535 | 1,30 | 0,25 |
| Генотип СТ | 0,448 | 0,393 | | |
| Генотип ТТ | 0,045 | 0,092 | | |

Асосий гуруҳ учун Харди-Вайнберг тести (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Генотиплар | Асосий гуруҳ | XWE | X ² | P |
|------------|--------------|-------|----------------|------|
| | н=98 | | | |
| Генотип СС | 0,316 | 0,375 | 5,95 | 0,01 |
| Генотип СТ | 0,592 | 0,475 | | |
| Генотип ТТ | 0,092 | 0,150 | | |

С3438Т полиморфизм учун ирсият моделлари ва Харди-Вайнберг тести
Ирсиятнинг мультипликатив модели (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Аллеллар | Асосий гуруҳ | Назорат гуруҳи | X ² | P | OP | |
|----------|--------------|----------------|----------------|---|-------|-----------|
| | н=98 | н=67 | | | знач. | 95% СИ |
| Аллел С | 0,709 | 0,709 | 0.00 | 1 | 1,00 | 0,62-1,62 |
| Аллел Т | 0,291 | 0,291 | | | 1,00 | 0,62-1,62 |

Ирсиятнинг умумий модели (тест хи-квадрат, ИИ = 2)

| Генотиплар | Асосий гуруҳ | Назорат гуруҳи | X ² | P | OP | |
|------------|--------------|----------------|----------------|------|--------|-----------|
| | н=98 | н=67 | | | нисбат | 95% СИ |
| Генотип СС | 0,459 | 0,463 | 0,02 | 0,99 | 0,99 | 0,53-1,84 |
| Генотип СТ | 0,500 | 0,493 | | | 1,03 | 0,55-1,92 |
| Генотип ТТ | 0,041 | 0,045 | | | 0,91 | 0,20-4,19 |

Назорат гуруҳ учун Харди-Вайнберг тести (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Генотиплар | Асосий гуруҳ | XWE | X ² | P |
|------------|--------------|-------|----------------|------|
| | 67 | | | |
| Генотип СС | 0,463 | 0,503 | 2,51 | 0,11 |
| Генотип СТ | 0,493 | 0,413 | | |
| Генотип ТТ | 0,045 | 0,085 | | |

Асосий гуруҳ учун Харди-Вайнберг тести (тест хи-квадрат, ИИ = 1)

| Генотиплар | Асосий гуруҳ | XWE | X ² | P |
|------------|--------------|-------|----------------|------|
| | 98 | | | |
| Генотип СС | 0,459 | 0,503 | 4,41 | 0,04 |
| Генотип СТ | 0,500 | 0,412 | | |
| Генотип ТТ | 0,041 | 0,085 | | |

